

**ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ  
ВОСИТАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Sohibjon Gaybullayev,

Independent researcher of Tashkent State University of Law

**Аннотация**

Қарз мажбурияти фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида энг кўп тарқалган ҳуқуқий муносабатлардан бири ҳисобланади. Чунки, қарз фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида ўзаро моддий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш усули бўлиши билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг кенг тарқалган ва бугунги кунда республикамизда кенг қўлланилаётган ҳуқуқий воситалардан биридир. Қарз мажбурияти одатда қарз берувчи томонидан пул маблағлари (айрим ҳолатлард ашёлар)ни қарз олувчига қайтариб бериш шарти билан мулк қилиб топширишни ифодалайди. Анъанавий қарз мажбурияти фақат олинган суммани қайтаришни назарда тутлади. Бироқ қарз мажбурияти ноанъанавий усулларда, яъни бевосита қарз шартномаси тузишдан келиб чиқмаслиги, иккаламчи тус касб этиб бошқа шартномадаги пул мажбуриятини бажармасликдан ҳам юзага келиши мумкин. Шу боис қарз мажбурияти қарз шартномаси доирасидан четга чиқади ҳамда пул маблағларини қайтариш ва тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятни қамраб олади. Бир сўз билан айтганда қарз мажбурияти вақтида тўланмаган ёки қайтарилмаган суммани, шунингдек тўлиқ тўланмаган ва қайтарилмаган пул маблағларини ифода этади ва унинг натижасида ҳуқуқшунослик ҳамда одатдаги муомалада қўлланиладиган “қарздорлик” юзага келади. Қарз мажбуриятини таъминлаш эса олинган пул суммаси ёки тўланиши лозим бўлган маблағлар қайтарилишини назарда тутувчи воситаларни ифодалайди. Бунда гаров, неустойка, кафил, кафолат, ушлаб қолиш каби анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш воситалари билан бирга, мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиш, гаров реестрини жорий этиш ва шу каби усуллар орқали амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** мажбурият, таъминловчи битимлар, қарз, шартнома, фуқаролик ҳуқуқи, гаров, лизинг, бўлиб-бўлиб тўлаш.

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларида нафақат қарздор ва кредитор иштирок этади, балки учинчи шахслар ҳам иштирок этади. Бу ҳолат “Ипотека тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган ва ипотекага қўювчи сифатида гаров муносабатларида ким қатнашиши мумкинлигини аниқлашда белгиланган. Ушбу қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмига биноан, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи

шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўювчи бўлиши мумкин. Шу муносабат билан таъкилаш ўринлики, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда учинчи шахснинг иштироки орқали қарздорнинг зиммасидаги мажбуриятни бажаришига нисбатан кредиторнинг ишончи ортади. Фуқаролик ҳуқуқида бундай усуллар кафиллик ва кафолат деб номланади ва ипотека кредити шартномасида кенг қўлланилади.

ФКнинг 292-моддаси 1-қисмига биноан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Қарз мажбуриятида кафилликнинг қўлланилиши кредитор учун қўшимча ишонч бўлади ва ипотека қўйилган мол-мулк билан тегишли мажбурият қопланмайдиган бўлса, мажбуриятнинг қолган қисмини бажариш кафилнинг зиммасига юкланади. Масалан, ипотека олинган мол-мулкнинг қиймати бозор конъюктурасининг ўзгариши натижасида пасайиб кетса, кредит суммасини тўлиқ сўндиришнинг имкони бўлмайди. Шундай ҳолларда кафиллик банк учун жуда қўлай ва мажбуриятнинг қолган қисмини кафил қоплаши орқали ўзига тегишли бўлган суммани тўлиқ ундириб олади.

Кредит муносабатларида кафилликнинг қўлланилиши билан боғлиқ масалалар суд амалиётида ҳам қўплаб учрайди ва шу сабабли ҳам бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги №13/150 сонли “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори қабул қилинган. Ушбу Қарорнинг 30-бандига мувофиқ, асосий мажбурият бўйича қарздорнинг жавобгарлигига нисбатан кафил мажбуриятининг солидарлиги кредиторнинг асосий мажбурият бўйича ҳам қарздорга, ҳам кафилга, ҳам биргаликда, ҳам алоҳида, ҳам тўла, ҳам қарзнинг қисмига нисбатан ўз талабларини тақдим этишга ҳақли эканлигини англатади.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Кредитор томонидан даъво бир вақтнинг ўзида кафил ва қарздорга нисбатан қарздор томонидан асосий мажбурият бажарилмаганлиги муносабати билан тақдим этилиб, солидар жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларни қўллаш лозим бўлган ҳолларда, бундай жавобгарлик фақат кафил ёки фақат қарздорга юклатилиши мумкин эмас. Кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб беришлари керак.

Қарз мажбуриятида кафилликнинг қўлланилиши уй-жой ипотекаси муносабатларида ҳам кенг учрашни алоҳида таъкидлаш ўринли. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5-сонли Қарори билан тасдиқланган “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда банк ходими қарз олувчи билан шахсан учрашиб мажбуриятларнинг бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

Шу билан бирга, қарз мажбуриятида кафилликнинг қўлланилиши билан боғлиқ масалаларини судларда қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 26 июлдаги №104 сонли “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг кафиллик тўғрисидаги меъёрларини қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қарорга кўра, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қарздор билан кафил ўртасида тузилган ёзма ҳужжатда кредиторнинг кафилликни қабул қилганлиги тўғрисида белгиси мавжуд бўлса, бу ҳолатда кафиллик битими ёзма шаклда тузилган, деб ҳисобланиши мумкин.

Кафиллик тўғрисидаги шартлар алоҳида шартнома шаклида расмийлаштирилиши ёки қайси шартнома мажбуриятлари таъминланаётган бўлса, шу шартномага киритилиши мумкин. Бу ҳолатда шартнома кредитор, қарздор ва кафил томонидан имзоланиши лозим.

Олий суд Пленумининг ушбу тавсиясидан англашилишича, қарздор ва кафил ўртасида кафиллик муносабатларининг вужудга келганлигини кредитор қабул қилиши ва бу ҳақда ўзининг тегишли белгисини қўйиши лозим. Бинобарин, кафиллик - қарздор мажбуриятларининг бажарилиши учун учинчи шахс - кафил жавобгар бўладиган ҳуқуқий муносабатдир. Мазкур ҳолатда “жавобгар бўлади” деган ибора фақат мулкий жавобгарликни назарда тутаяди ва у қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида кафилда жавобгарликни вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда, агар қарздор ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса, кафил қарздорнинг мажбуриятларини бажаришга мажбур бўлади[1]. Шу сабабли кафиллик шартномаси бир вақтнинг ўзида уч томонни боғлайди ва уларнинг ўзаро боғлиқдаги ҳуқуқ-атвор қолган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатади.

Эътироф этиш ўринлики, кафил ипотека кредити муносабатларида ҳар доим зиммасида мажбурияти мавжуд шахс сифатида иштирок этади. Бироқ ипотека кредити муносабатларидан фарқли равишда кафиллик муносабатларида кафил зиммасида мажбурияти мавжуд шахс бўлиши билан бирга, ҳуқуқдор шахс сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин. Бунда қарздорнинг мажбуриятини бажарган кафил ундан ўзи қилган харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Зеро, ипотека кредити бўйича кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ қарздор мажбуриятини бажарган кафилга тўлиқ ўтади. Бу ҳолда, ушбу ҳуқуқларнинг ҳажмикафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажм билан чекланади. Агар кафил сифатида бир нечта шахс бўлса, унда кредитор ҳуқуқлари кафилларга улар томонидан бажарилган кредитор талабларининг ҳажмига мутаносиб равишда ўтади. Талабларнинг асосий суммасидан ташқари, кафил қарздордан кредиторга тўланган суммадан фоизлар тўланишини ҳамда қарздор учун жавобгарлик билан боғлиқ бошқа харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Масалан, агар кредитор талабларини тўлаш билан боғлиқ равишда кафил банк харажатларини қилса, у қарздордан бу маблағларнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Зеро, немис профессори Р. Циммерманнинг таъкидлашича, учинчи шахс ҳатто қарздор маъқулламаса-да, унинг ўрнига мажбуриятни бажаришга ҳуқуқлидир. Бироқ на Рим ҳуқуқида, на ҳозирги замон ҳуқуқида бу қоида истисносиз қўлланилмайди[2]. Учинчи шахснинг қарздор мажбуриятини бажаришга оид Европа шартнома ҳуқуқи принципларини белгилайдиган нормада кредиторнинг, қарздорнинг ўзи мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахс зиммасига юклаши мумкин ёки мумкин эмаслигига мутлақо дахл қилмасдан, учинчи шахс томонидан таклиф этилган ижрони рад қилишга ҳақли бўлмаган ҳолатлар тўғрисидаги масалани ҳал этади (7: 106-м.)[3]. Австрия Фуқаролик Кодексининг 1423-параграфига мувофиқ, мажбуриятнинг учинчи шахс томонидан бажарилишига қарздорнинг розилиги талаб этилмайди. Қарздор рози бўлмаган ҳолларда кредиторнинг бажаришни қабул қилишни рад қилиш ҳуқуқи тўғрисида бу ерда ҳеч қандай фикр юритилмайди. ГФТ нинг 267-параграфи шуни белгилайдики, агар қарздор мажбуриятни шахсан бажаришга мажбур бўлмаса, унда мажбуриятни бажариш учинчи шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Бироқ, ГФТ қоидаларидан белгиланишича, айрим ҳолларда агар қарздор рози бўлмаса, кредитор мажбурият бажарилишини рад қилиши мумкин. Англия ҳуқуқида эса қарздорнинг руҳсатисиз мажбуриятни кредитор фойдасига учинчи шахс томонидан бажаришга йўл қўйилмайди[4].

Континентал Европа давлатларидаги бу ҳолат ипотека кредит муносабатларида кафил томонидан таклиф этилган ижрони кредитор қабул қилиши лозимлигини англатади ва шундай ёндашув миллий қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган.

Қарз мажбуриятида қўлланиладиган кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек кафил таъминлаган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Эътироф этиш лозимки, “Гаров тўғрисида”ги ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунларда кафилликни қўллашга оид қоидалар назарда тутилмайди, гарчи амалда ипотека муносабатларида (асосан уй-жой ипотека кредитларида) кафиллик кенг қўлланилса-да. Шу сабабли “Гаров тўғрисида”ги Қонунга янги “Гаров ва мажбуриятни бажаришнинг бошқа усуллари” номли 6-1-моддасини киритиш зарур. Фикримизча, мазкур норманинг мазмуни қуйидагича белгиланиши керак:

*Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашда гаров билан бирга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашнинг бошқа усуллари (неустойка, ушлаб қолиш, закат, кафиллик, кафолат) ҳам қўлланилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундай мустасно.*

Кафиллик билан бирга қарз мажбуриятларида кафолат ҳам қўлланилади. Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал) нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ФКнинг 299-моддаси).

Кафолат мажбуриятни таъминлаш усули ҳисоблансада, асосий мажбуриятда автоном бўлади ва унинг амал қилиш асосий мажбуриятнинг тақдирига боғлиқ бўлмайди. Бу ҳолат айна пайтда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллариға хос бўлган умумий қоидадан истисно эканлигини қайд этиш ўринли. Чунки мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули ҳисобланган ипотека ҳам асосий мажбуриятга боғлиқ бўлади ва асосий мажбуриятнинг бекор бўлиши ипотеканинг ҳам бекор бўлишига олиб келади. Масалан, ипотека кредити олган қарздор ўзининг кафил бўлган банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилотига кредит олган банки томонидан тўловни тақдим этиш ҳақидаги талаб келган заҳотиёқ қарздорга тўловни амалга ошириш хусусида ёзма мажбурият юклаш ҳуқуқини бериш йўли билан ипотека кредитида кафолат юзага келади. Кўриниб турибдики, банк кафолати муносабатларида кафил бўлиб, фақат тегишли молия муассасаларига иштирок этадилар ва улар ўз мижозлари (ипотека кредит муносабатларида эса қарздор) олган кредит суммасини қайтариш юзасидан бошқа банкка кафил сифатида иштирок этадилар ва бунда кредитнинг қайтарилмаслиги, ўз вақтида тўланмаслиги ёки қарздорнинг вафоти билан кредит мажбуриятининг бекор бўлиши банк кафолатининг бекор бўлишига олиб келмайди. Амалдаги ФКда банк кафолатининг бекор бўлишига нисбатан қуйидаги қоидалар ўрнатилган:

- 1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- 2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- 3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Қарз мажбуриятларида қўлланиладиган кафолат одатда юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан олинган ипотека кредити шартномаларида амал қилади. Бунда юридик шахс ёки тадбиркорлик фаолияти субъекти олинаётган ипотека кредити учун қўшимча банк кафолатини ҳам тақдим этиши кредитор томонидан талаб қилиниши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги гаров ва ипотека қонунчилигида гаров муносабатларида кафолатнинг қўлланилишига оид нормалар ва қоидалар белгиланмаган. Албатта, бу ҳолат кафолатнинг ипотека кредити муносабатларида қўлланилмаслигини инкор этмайди ва бунда фуқаролик қонунчилигида кафолатга нисбатан белгиланган умумий қоидалар амал қилади. Бироқ мазкур қоидаларнинг кафолатни ипотека кредитлариға қўллаш учун ҳар доим етарли, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Фикримизча, ипотека муносабатларида кафолатни белгилаш оид алоҳида қоидалар ҳамда бу муносабатларға

нисбатан ФК қоидалари қўлланилишига оид ҳаволалар ҳам белгиланиши зарур. Бундан ташқари, ФКнинг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларига нисбатан умумий қоидаларида ҳам мажбуриятни бажарилишини таъминлаш усулларида биргаликда қўлланилиши мумкинлигини оид норма белгиланиши лозим. Шу муносабатлар билан ФКнинг 259-моддаси 1-қисмини қуйидаги қоида билан тўлдириш зарур:

*Муайян мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашда ушбу усулларнинг бир нечтаси биргаликда қўлланилиши мумкин.*

Бундан ташқари, ФК 259-моддаси 3-қисмига ФКнинг 301-моддаси талабларидан келиб чиқиб, қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир:

Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. *Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.*

Назаримизда, ФКнинг 259-моддаси 3-қисмига бундай қўшимчанинг киритилиши моддалар (ФКнинг 259 ва 301-моддалари) ўртасидаги номуносивликни бартараф этишга хизмат қилади.

Қарз мажбуриятларида кафолатни қўллашда кредитор манфаатларининг кучли таъминланишидан келиб чиқиб, амалда мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ушбу икки усули қўллашга ҳар доим эриши қийин эканлигини, кўпчилик ўринларда қарздорлар бу усулларнинг иккаласини бир вақтда кредиторга тақдим эта олмаслигини таъкидлаш лозим.

Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари тизими кейинги йилларда янги маъно ва мазмун касб этиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, қарз мажбуриятини таъминлашда анъанавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари билан бирга амалдаги шартномавий қурилмаларни таъминлаш усуллари сифатида талқин этиш ёки таъминлаш воситасига мослаштиришга уринишлар кузатилмоқда. Масалан, ФКнинг 421-моддаси еттинчи қисмида белгиланишича, товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади.

Бу қоидадан агар сотиб олувчи насияга сотилган товар ҳақини тўлашни кечиктирса ёки уни тўламай қўйса сотувчи ундирувчи насияга сотилган товарга қаратишга ҳақли бўлишини англатади. Шу боис насияга товар сотиш шартномасини ҳам қарзни таъминлаш воситаси сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Бироқ мазкур қоидадан ўзига хос истисно мавжудки, бу ҳолат насияга товар сотиш шартномасини таъминловчи битимлар жумласига киритишни истисно этади. Гап

шундаки, ФКнинг 422-моддаси учинчи қисмида ундирувни насияга сотилган товарга қаратишни таъқиқлаш мумкин бўлган қоида назарда тутилган. Унга мувофиқ, сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортик бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Бу ҳолат кредитор ҳуқуқларини чеклашга олиб келади. Масалан, фуқаро А. фуқаро Б.га автомашинасини сотди ва пулини бўлиб-бўлиб тўлани келишди. Ўзаро келишувга кўра автомашина нархи 100 000 000 сўм белгиланди ва уч йил ичида тўланиши керак эди. Сотиб олувчи 75 000 000 сўмни икки ярим йил ичида тўлади. Қолган 25 000 000 сўмни тўлашни кечиктириб юборди ва муддат ўтсада уни тўлай олмади. Мазкур вазиятда ФКнинг 421-моддаси еттинчи қисми қоидасидан келиб чиқиладиган бўлса сотувчи ундирувни гаров нарчаси бўлган насияга сотилган автомашинага қаратиши мумкин бўлар эди. Лекин ФКнинг 422-моддаси учинчи қисми қоидаси буни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Шу боис мазкур нормани ФКдан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Қарзни мажбуриятини таъминлашга оид яна бир восита бу сотилган товар ҳақи тўлик тўлаб бўлинмагунча унга нисбатан мулк ҳуқуқи сотувчида сақланиб туриш қоидасидир. Ушбу қоида ФКнинг 424-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқи товар ҳақи тўлангунга ёки бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар сақланиши назарда тутилган ҳолларда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у товарнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Топширилган товарнинг ҳақи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда тўланмаганда ёки мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳолатлар юз бермаганда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, қарз мажбуриятини таъминлаш воситаси, таъминловчи битим сифатида лизинг шартномасини ҳам киритиш мумкин. Маълумки, лизинг - инглизча «Forlease» сўзидан олинган бўлиб, “ижара олмоқ” деган маънони англатади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан



ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 587-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига асосан лизинг (молиявий ижаралар)ни ижара муносабатларининг алоҳида тури сифатида белгилайди, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига 12 ойдан ошадиган муддатда эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Бунда лизинг бўйича ижаранинг умумий аломатлари – ижарага олинадиган мол-мулкни бериб қўйиш, шартномага ҳақ тўланиши, лизинг олувчининг мол-мулкка вақтинчалик эгалик қилиши ва ундан фойдаланиши, шунингдек фақат лизинг учун хос бўлган аломатлар – шартнома субъектларининг (лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи) албатта иштирок этиши, шартнома муносабатлари мажмуининг мавжудлиги, уни лизингга бериш учун лизинг берувчи томонидан лизинг объекти махсус сотиб олинishi керак.

Ҳуқуқий муносабатларда “лизинг” ва “ижара” тушунчалари бир-бирига тўлалигича мувофиқ тушмайди. Шунга қарамасдан ФКнинг 6 параграфида лизинг шартномаси томонлари лизинг берувчи (ижарага берувчи) лизинг олувчи (ижарага олувчи) деб аталган, мазкур тушунча лизинг муносабатларининг барча хусусиятларини акс эттира олмайди. Ҳолбуки, лизинг – махсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни қайта ишловчи корхоналар учун моддий-техника воситаларини сотиб олиш, сотиш, кредит битимини тузиш ва инвестиция киритиш ҳамда маълум муддатга ижарага бериш ва лизинг тўловини олиб туриш орқали фойда кўриш, шунингдек хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги молиялашнинг ноанъанавий ўзига ҳос шаклидир [6].

Маълумки, лизинг шартномаси маълум таркибий қисмлардан иборат. Лизинг шартномаси қуйидаги унсурларни, албатта, ўз ичига олган бўлиши керак: лизинг объектини; техникани етказиб бериш муддатини; шартномада белгиланган ижара муддатини; ижарага берувчининг яъни лизинг берувчининг мулк ҳуқуқини; хавф-хатар, жавобгарлик ускунанинг соз эканлигини; ускуналардан фойдаланиш йўриқномаларини; ускунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишни; зарарлар, тасодифий ҳодисаларни; шарномани суғурталашни; ижара тўловини; шартномада белгиланган тўловни кечиктирганлик учун жаримани; ускунани сотиб олиш имкониятини; шартномани бекор қилиш шартлари; ускунани қайтариш вақтини; солиқ; томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари; лизинг шартномасининг кучга киришини кечиктирувчи шароитларни; зарур маълумотларни етказиш мажбуриятларини; томонларнинг жойлашган ўрни; банкнинг

кафолат ҳужжати; форс-мажор ҳолатларни, лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби ва бошқаларни ўз ичига олиши лозим. Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Лизинг тушунчасига аниқлик киритиш билан бирга, лизинг фаолиятини ҳам ёритиш лозим. Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 8 -моддасига кўра, лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир. Бундан маълум бўладики, лизинг фаолияти лизинг объектини олди-сотди шартномаси билан боғлиқ субъектлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ташкил этади.

Хусусан, лизинг фаолиятида лизинг шартномасининг шакллари алоҳида аҳамият касб этади. Лизинг шартномасининг шакли “Лизинг тўғриси”даги қонуннинг 9-моддасида белгиланган бўлиб, лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Лизинг шартномаси: шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра; мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

Лизинг моҳиятига кўра, лизинг берувчи (одатда молиявий маблағлар эгаси бўлган ва молиявий хизматлар кўрсташ мақсадида ташкил этиладиган махсус компания, банк ёки бошқа молиявий муассаса)нинг пул маблағларини тадбиркорлик фаолияти учун қўлланиладиган асбоб-ускуналарга йўналтириш орқали лизинг олувчи (тадбиркорлик субъекти)нинг техника воситалари ва шунга ўхшаш бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришнинг замонавий воситаси ҳисобланади. Шундай экан, лизинг берувчи учун лизинг бериладиган ишлаб чиқариш воситалари эмас, муомалага киритган ўз маблағларининг фоизи билан қайтиши саналади. Бу эса анъанавий ижарада бўлгани каби ижарага нима берилган бўлса, шу нарсанинг ўзи қайтарилишидан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам лизингда ижарада бўлгани каби иккита эмас учта тараф иштирок этади ва бу лизинг конструкциясининг зарурий шarti саналади.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларнинг қолдиқ қиймати йиғиндисида сотиб олиш кўзда тутилади. Лизингни фарқлантирувчи хусусиятлардан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли кўпинча лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. “Ривожланган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган

лизинг операциялари эканлиги қайд этилган”. Бунда, одатда, банкнинг узоқ муддатли кредитлари жалб қилинади. Ижарачи ижарага берилаётган ускуналар қийматининг 80%гача ҳажмда узоқ муддатли кредит берилаётган ускуналар ва ижара тўловлари берилган кредитлар учун таъминланганлик ҳисобланади. Лизинг шартномаси предметдан ер участкалари ва бошқа табиий ресурсларнинг чиқарилиши уларнинг ижараси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган махсус шартномалар орқали тартибга солиниши билан изоҳланади. Лизингнинг асосий хусусиятлари яна шундан иборатки, фойдаланишга илгари ижарага берувчи ишлатган ускуна эмас, балки у фақат ижарага бериш мақсадида харид қилган ускуна топширилади.

Лизинг шартномаси предметини ташкил қилувчи мол-мулкнинг истеъмол қилинмаслиги ижаранинг барча шаклларига хосдир, у лизинг муносабатларининг узоқ муддатли бўлишини таъминлайди, шартномага ижара муддати тугагандан сўнг ижарачи томонидан ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш тўғрисидаги шартларни киритиш имконини беради. Айни вақтда лизинг шартномасида, мисол учун ускуналарини узоқроқ муддатга ижарага олиш учун тузиладиган бошқа ижара турларидан ва тўлов шартлари хусусиятларидан бир қанча фарқлар мавжуд. Одатда лизинг чоғида ускуналарни ижарага бериш муддати бу ускуналардан самарали фойдаланиш, яъни тўла амортизация муддатига яқинлашади. Шу давр давомида шартномани тарафлардан бирортаси ҳам бекор қила олмайди. Лизинг тўловларининг умумий суммаси мол-мулк қийматидан, унинг харид нархидан ортиқ бўлади. Тўловнинг мол-мулк қийматидан ортиқча қисми лизинг берувчининг фойдасини ташкил этади

Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади (ФКнинг 590-моддаси). Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Лизинг шартномасида ҳам лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаса лизинг олувчи лизинг объектини қайтариб олиш талаб қилишга ҳақи ҳисобланади. Бу қоида “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисида белгиланган бўлиб, унга биноан лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилган тақдирда, агар лизинг

шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келгуси лизинг тўловларини тўлашни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтиб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб этиш. Хусусан, лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини иктисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида”[6] ги Пленум қарорида лизинг олувчининг жавобгарлик масаласига аниқлик киритилган бўлиб унга кўра: лизинг берувчига у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўп даражада махрум бўладиган қилиб зарар етказилиши, лизинг шартномасини лизинг олувчи томонидан жиддий тарзда бузиш деб тушунилади. Шунингдек, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг объектини шартнома шартларини бузган ҳолда сақлаганлиги, лизинг олувчи лизинг объектини суғурталамаганлиги, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаганлиги, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирламаганлиги ҳам лизинг шартномасини жиддий тарзда бузиш ҳисобланади. Бунда лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасини жиддий тарзда бузилганлиги ҳолатини исботлаш мажбурияти лизинг берувчининг зиммасига юклатилади деб кўрсатиб ўтилган.

Лизинг берувчи лизинг олувчининг олдиндан розилигини олмай туриб, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас “127-Автокорхона корхонаси” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда - МЧЖ) жавобгарлар “ALFA LEASING” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда – Лизинг корхонаси), ОАТБ “Савдогар” (бундан буён матнда - Банк), Мирзо-Улуғбек туманидаги 9-сонли Давлат нотариал идораси катта нотариуси Р.Норовга нисбатан ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Лизинг корхонаси ва Банк ўртасида 2012 йил 25 июнда тузилган ва нотариус Р.Норов томонидан расмийлаштирилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Суднинг 2015 йил 19 октябрдаги ажрими билан Мирзо-Улуғбек туманидаги 9-сонли Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Р.Норов ишга дахлдор учинчи шахс Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан алмаштирилган. Биринчи инстанция судининг 2015 йил 2 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, Лизинг корхонаси ва Банк ўртасида 2012 йил 25 июнда тузилган гаров шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган[7].

Ушбу мисолдан кўришиб турибдики, қарз мажбурияти бажарилиши таъминлаш воситаси сифатида лизинг шартномаси қоидаларидан фойдаланиш мумкин ва лизинг тўловини тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаган лизинг тўловчи мулки таъминот воситаси сифатида лизинг олувчига ихтиёрига ўтади.

Қарз мажбуриятини таъминлаш воситаларининг кенгайиб бориши фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилиш барқарорлигини таъминлашда ҳамда иқтисодий муносабатларни изчиллик билан амалга ошишида муҳим ўрин тутади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Тошкент: «Vektor-Press», 2010. -679 б.
2. Zimmermann R. Jp. cit, p. 752.
3. Principles Of European Contract Law. – P. 338.
4. Whittaker S. Performance of Another's Obligation: French and English Law Contracted – <http://ouclf.iuscomp.org/articles/whittaker.shtml>.
5. Иванов Д.А. Общая юридическая характеристика договора лизинга: признаки и существенные условия // Государственная служба и кадры. 2014. – № 4. – С. 57-60.
6. [http://www/lex.uz](http://www.lex.uz)
7. Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2016 йилги архиви материаллари. 2016 йил 25 январь 10-1503/21154-сонли иш
8. Мадиев, Ф. (2023). ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ ГЕНИЗИСИ. Наука и технология в современном мире, 2(20), 4-12.
9. Hoshim ug'li M. F. PROSPECTS OF INTRODUCTION OF PRIVACY PROTECTION SYSTEM IN VIRTUAL SPACE //E Conference Zone. – 2023. – С. 27-31.
10. Fakhridin, M. (2023). LEGAL MECHANISMS FOR ENSURING PRIVACY IN THE USE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE. World Bulletin of Management and Law, 25, 9-13.